

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Баҳриддинова Муаззам Азам қизи

*ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини
ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари”
илмий-тадқиқот маркази докторанти*

m.bahriddinova@tsue.uz

Оманова Камола Ботир қизи

*ЎзМУ Иқтисодий ва ижтимоий
география кафедраси стажёр-ўқитувчиси*

kamolabotirovna97@gmail.com

Глобаллашув шароитида дунё миқёсида тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, ҳар қандай мамлакат хавфсизлиги ва барқорорлигини таъминлашда, энг аввало, ички ва ташқи таҳдидларга қарши мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш масалалари борасида жиддий изланишлар талаб қилинади. Бу эса мамлакатда ёшларнинг ватанпарварлик фазилатини тарбиялашда, маънавий-маърифий ишларни янада такомиллаштириш орқали хавфсизликни таъминлашда истиқболдаги мақсадларга эришувга замин яратади.

Республика меҳнат ресурсларининг шаклланишида унинг меҳаник ҳаракати, яъни миграция омили – муҳим рол ўйнайди. Аҳолининг меҳаник ҳаракати кўп ҳолларда шаҳар ҳудудларида меҳнат ресурслари салмоғининг ортиб боришига сабаб бўлади. Бундай ҳолат йирик шаҳарларда яққол кузатилади. Шунингдек, аҳоли кўчиб кетган ёки кўчиб келган ҳудудлардаги демографик ҳолатга, биринчи навбатда ёш-жинсий тузилиш бевосита таъсир этади. Ёш-жинсий таркибдаги ўзгариш эса демографик жараёнларда ўз ифодасини топади. Демак, миграция меҳнат ресурсларининг шаклланишига икки томонлама аҳамиятли экан. Бир тарафдан, бевосита меҳнат ресурслари сони, салмоғига таъсир этса, иккинчидан демографик жараёнлар орқали меҳнат ресурсларининг такрор барпо бўлишига таъсир этади.

Меҳнат миграциясининг келиб чиқиш сабаблари ва ўз навбатида унинг мамлакат иқтисодиётига ижобий ва салбий таъсирлари билан боғлиқ бўлади. Миграция омиллари деганда меҳнат ресурсининг бир жойдан иккинчи жойга ўтиши учун сабаб бўладиган обектив ва субектив шарт-шароитлар тушунилади. Меҳнат миграциясига таъсир этувчи омилларни иккита катта гуруҳга, яъни иқтисодий ва ноиқтисодий омилларга ажратиш мумкин. Бунда иқтисодий омиллар қуйидагича тартибда таснифланади:

мамлакатнинг иқтисодий ривожланганлик даражаси, яъни меҳнат ресурси ўзи яшайдиган мамлакатларига нисбатан анча иқтисодий юксалган давлатларга кўчиб кетишига интилади;

мамлакат меҳнат бозорининг ҳолати ёки бошқача айтилса, кам ривожланган ва аҳоли сонининг зичлиги оқибатида ишсизлар бошқа давлатга иш излаб кетиши қолишади;

иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши натижасида халқаро муносабатлар йўлга қўйилиб меҳнат ресурслари алмашилиши юзага келади;

капитал ҳаракати, яъни капитал олиб кириш ёки олиб чиқиш натижасида капитал билан бирга малакали ходимларнинг ҳам миграцияси содир бўлади.

Ноиқтисодий омилларга эса қуйидагилар киради:

сиёсий-ҳуқуқий омиллар;

миллий омиллар;

диний омиллар;

ирқий омиллар;

оилавий муносабат омиллари.

Меҳнат миграциясида меҳнат ресурсларининг ҳаракатчанлиги мезони ҳам ҳисобга олинади. меҳнат ресурси ҳаракатчанлиги меҳнатга лаёқатли аҳолининг муайян турдаги меҳнат фаолиятини муайян жойда бажаришга қодирлиги ва тайёрлиги билан белгиланади. Унинг ижтимоий-касбий ва ҳудудий хусусиятлари мавжуддир.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг маълумотларига кўра 2022 йил бошида 1,5 миллиондан ортиқ фуқаролар хорижий давлатларда меҳнат қилганлар, бу жами иқтисодий фаол аҳолининг 7,8 фоизини ташкил этади. Бундай ҳолат меҳнат миграцияси масалаларига давлат даражасида янада жиддийроқ эътибор қаратиш, уни тартибга солиш бўйича мавжуд механизмларни доимий равишда такомиллаштириб боришни талаб қилади. Ушбу муҳим вазифаларни - миграциясининг омиллари, йўналишлари ва натижалари ҳамда унда иштирок этаётган меҳнат ресурслари бўйича аниқ маълумотларга эга бўлмасдан ҳал этишнинг имкони мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 3001-сонли қарори билан тасдиқланган “Меҳнат органлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури”да Халқаро Меҳнат Ташкилотининг меҳнат мигрантлари тўғрисидаги 97-сонли Конвенциясини ратификация қилиш имкониятларини ўрганиб чиқиш белгиланган. Ушбу Конвенцияда мигрантларнинг меҳнат фаолияти, уларнинг мол-мулки ва оилавий миграция билан боғлиқ бўлган барча жиҳатлар қамраб олинган.

Ўрганишлар доирасида амалга оширилган таҳлиллар меҳнат миграцияси иштирокчиларининг ижтимоий-демографик таркиби, меҳнат миграция жараёнлари омиллари, йўналишлари, географиясини аниқлаш, мигрантларнинг хориждаги яшаш, меҳнат шароитлари, даромадларини баҳолаш, уларнинг келгуси режалари, ўзлари яшайдиган жойдаги иш топиш имкониятлари хусусидаги, меҳнат миграцияси жараёнларини тартибга солиш юзасидан фикр ва таклифларини ўз ичига олган. Таъкидлаш жоизки, меҳнат миграцияси жараёнларида ёшлар ва аёлларнинг иштирокини алоҳида ўрганиш мақсадида ўрганишлар доирасида мазкур гуруҳларни мумкин қадар кенгроқ қамраб олиш вазифаси қўйилганлиги боис, мигрантлар таркибида уларнинг улуши олдинги йилларда ўтказилган ўрганишларга қараганда бир қадар ошишига сабаб бўлди.

Ҳозирги вақтда энг катта миграция тўлқини ривожланаётган мамлакатлардан ривожланган Мамлакатларга томон йўналган. Бунда энг кўп хорижий мигрантларни АҚШ қабул қилади. Охирги йилларда бу давлатдаги иммигрантлар сони 45 млн кишидан ошгани қайд этилган. Ғарбий Европа давлатлари орасида эса энг кўп иммигрантлар Германия, Буюк Британия ва Францияга келган. Бу давлатларнинг ҳар бирида 7-10 млн иммигрант яшамокда. Ғарбий Европага иммигрантларнинг асосий қисми Жануби-ғарбий ва Жанубий Осиё, Шимолий Африка ҳамда Шарқий Европа бормоқдалар. Бошқа ривожланган давлатлардан Австралия, Канада, Янги Зеландия, Исроил ва ЖАР кўплаб хорижий мигрантларни қабул қилмоқда. Шундай экан, барча ривожланган давлатларда миграция салдоси (баланси) мусбат ҳисобланади.

Меҳнат миграциясини самарали ташкил этиш аҳоли бандлик даражасини оширишда муҳим роль ўйнайди. Бу ишларни амалга оширишда қуйидаги йўналишлар долзарб ҳисобланади:

Ташкилий-ҳуқуқий:

- Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнат миграцияси тўғрисида”ги қонунини ишлаб чиқиш;
- туманларидаги бандликка кўмаклашиш марказлари тасарруфида меҳнат миграцияси масалалари билан шуғулланувчи махсус бўлим ташкил қилиш;
- меҳнат ресурслари тақчил ҳудудларда кенг тармоқли ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини яратиш;
- меҳнат фаолиятини амалга ошириш мақсадида бошқа ҳудудга кўчаётган фуқароларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофазасини белгиланган тартибда таъминлаш;
- мигрантларини аниқ ахборотлар билан таъминлаш учун тегишли бепул хизмат кўрсатиш;
- меҳнат миграциясини ҳисобга оладиган ягона электрон автоматлаштирилган тизимни яратиш ҳ.к.

Иқтисодий:

- бошқа ҳудудлардан меҳнат ресурслари билан кам таъминланган туманларга кўчиб келувчилар иш ҳақиға махсус устамалар бериш;
- яшаш билан боғлиқ сарф-харажатлари учун ойлик пул компенсацияси тўлаш;
- чекка туманларда бўшаб қолган ва эгасиз уй-жойларни бошқа ҳудудлардан ихтиёрий равишда кўчиб келадиган муҳтож оилаларға текин бериш ва ушбу уй жойни шахсий мулки сифатида расмийлаштириб бериш;
- қишлоқ фуқаролар йиғинлари кўчиб кетувчи ва келувчи оилаларға тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун тижорат банкларида имтиёзли кредитлар олишларида амалий ёрдам кўрсатиш;
- меҳнат миграцияси билан кам таъминланган ҳудудларда саноат ва хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритувчи янги ташкил этиладиган тадбиркорлик субъектларини барча турдаги солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод қилиш;
- меҳнат мигрантларининг фарзандлари учун мактабгача таълим муассасалари, болаларни ўқитиш учун ота-оналарнинг ойлик тўловидан 1 йилгача озод қилиш ва ҳ.к.

Ижтимоий:

- ҳар бир маҳаллаларда меҳнат ресурслари кам таъминланган ҳудудлардаги бўш иш ўринлари, иш характери, маош, ишчилардан талаб этиладиган малакалар ҳақида маълумотларни тўплаб бориш ва эълон қилиш;
- кўчиб келувчи оилаларни ётоқ жойлар билан таъминлаш;
- маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан ички меҳнат мигрантларининг янги яшаш жойига тезда мослашишига амалий ёрдам кўрсатиш;
- меҳнат мигрантларининг оила аъзоларига зарур тиббий ёрдамларни кўрсатиш;
- мигрантлар фарзандларининг таълим олишлари учун барча шарт-шароитларни яратиш ва ҳ.к.

Ички миграция муаммосини ҳал этиш ташқи меҳнат миграциясини камайишига олиб келади. Ташқи меҳнат миграцияси жараёнида кўп учрайдиган муаммолардан бири бу мигрантларнинг ҳуқуқларини бузилиши, одам савдоси ва дискриминация ҳолатларидир. Шунингдек, мигрантларнинг, аynиқса, норасмий равишда фаолият олиб бораётган меҳнат мигрантларининг транспорт воситаларида хорижга чиқишлари ёки уйға қайтишларида уларнинг шахсий хавфсизлиги таъминланмаганлиги ҳам бугунги кунда энг муаммоли масалалардан бири ҳисобланади.

Миграция жараёнларини тартибға солиш борасида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларға мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси

тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармонининг биринчи иловаси 86-мақсадида, иккинчи иловаси “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид” Давлат дастурининг 154 банди, 86-мақсаднинг 312-313-314-бандларида юқорида санаб ўтилган муаммоларнинг ечимини топишмасалалари ўз аксини топган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди
2. www.lex.uz – Ўзбекистон республикаси Қонун ҳужжатлари миллий базаси
3. Абдураҳмонов Қ.Х. “Меҳнат иқтисодиёти назария ва амалиёт” Т.: “ФАН” Нашриёти – 2019 й.
4. Холмўминов Ш.Р., Хомитов К.З., Арабов Н.У., Бобоназарова Ж.Х., Абдураманов Х.Х. Қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашнинг назарий ва амалий асослари. Т.: 2018. 89 б.

XALQARO MIGRATSIYASIGA TA’SIR ETUVCHI OMILLAR

Voxidova Mehri Xasanovna

PhD., dotsent

Toshkent davlat sharqshunoslik universiteti kafedra mudiri

Habibullayev Komiljon Murodulla o’g’li

Toshkent davlat sharqshunoslik universiteti tayanch doktoranti

Global migratsiya azaliy hodisa bo’lib, iqtisodiy, ijtimoiy-siyosiy, demografik va boshqa omillar bilan izohlanadi. Bu omillar o’zaro bog’liq hamda bir-biriga ta’sir qilib shaxslar va jamoalarning migratsiya qarorlarini shakllantiradi, migratsiyaning ahamiyatini ochib beradi.

Inson kapitali oqimini o’rganishning nazariy-ilmiy asoslari 1932 yilda, Jon Xiks “sof iqtisodiy afzallikdagi farqlar, ish haqidagi tafovutlar migratsiyaning asosiy sabablari” ekanligini ta’kidlaganida boshlangan[1].

Everett Lining fikriga ko’ra, migratsiya jarayonlari turtki beruvchi kuchlar “salbiy (hududni tark etish sababi)” va “ijobiy (hududga ko’chish sabablari)” omillariga bo’ysunadi[2]. Shundan kelib chiqqan holda odamlar migratsiyani o’z vatanlarida mavjud bo’lmagan imkoniyatlardan foydalanish uchun qabul qilgan oqilona qarori sifatida qarash mumkin.

Migratsiyani harakatlantiruvchi ijobiy kuch omillariga yaxshi tibbiy muassasalar, diniy bag’rikenglik va ta’qiblardan ozodlik kabi ijtimoiy-siyosiy omillar kiradi. Migratsiyaga ta’sir etuvchi ijobiy kuch omillari qatoriga iqtisodiy istiqbollar, turmush darajasi yuqoriligi, ko’proq daromad olish istagi kabilarni ham ko’rishimiz mumkin[3].

O’z mamlakatidan chiqib ketishga majbur qiladigan jihatlar salbiy kuch (hududni tark etish sababi) omillari deb nomlanadi[4].